

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОДЖИМАТОВ УМИДЖОН ЖАСУРБЕКОВИЧ

ЭПИЛЕПТИК СТАТУСДА ЦЕРЕБРАЛ ГИПОКСИЯ. ДАВОЛАШ
ТАМОЙИЛЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) Диссертациясия автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ходжиматов Умиджон Жасурбекович

Эпилептик статусда церебрал гипоксия. Даволаш тамойиллари 3

Ходжиматов Умиджон Жасурбекович

Церебральная гипоксия при эпилептическом статусе. Принципы
лечения..... 23

Khodjimaton Umidjon Jasurbekovich

Cerebral hypoxia in epileptic status. Principles of treatment..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 50

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОДЖИМАТОВ УМИДЖОН ЖАСУРБЕКОВИЧ

ЭПИЛЕПТИК СТАТУСДА ЦЕРЕБРАЛ ГИПОКСИЯ. ДАВОЛАШ
ТАМОЙИЛЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестатсия комиссиясида B2022.4 PhD/Tib3168 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ziyo.net» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азизова Раъно Баходировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Муратов Фахмитдин Хайритдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/05.05.2023.Тиб.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998) 78-150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998) 71-214-82-90

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.О. Эргашева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда эпилептик статус ва эпилепсия жиддий тиббий муаммолар қаторига киради ҳамда дунё бўйлаб кўплаб инсонларга таъсир кўрсатади. Эпилепсия бутун дунё бўйлаб тахминан 50 миллион кишини қамраб олади, бу эса уни энг кенг тарқалган неврологик касалликлардан бирига айлантиради. Неврологик бузилишлар сони ортиб бормоқда ва бу ҳолат соғлиқни сақлаш, иктисодиёт ҳамда жамият учун жиддий оқибатларга олиб келади. Мазкур муаммолар 2022-йил май ойида бўлиб ўтган Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 75-сессиясида муҳокама қилиниб, ВНА-75 қарорига мувофиқ қабул қилинган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эпилепсия ва бошқа неврологик бузилишларга қарши 2022–2031-йилларга мўлжалланган тармоқлараро глобал ҳаракатлар режаси (WHO Intersectoral Global Action Plan – WHO IGAP) доирасида тасдиқланган¹. Ушбу режада неврологик касалликларни эрта аниқлаш, самарали даволаш ва уларнинг ижтимоий оқибатларини юмшатиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Дунёда неврологик касалликларнинг олдини олиш ва уларни эрта аниқлашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар замонавий тиббий технологиялардан кенг фойдаланиш ва юксак малакали, сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни қамраб олади. Шу муносабат билан эпилепсиядан азият чекувчи аҳолини тиббий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни оптималлаштириш, ногиронлик ва ўлим ҳолатлари даражасини камайтириш, инсон умрининг давомийлиги ва сифатига ижобий таъсир кўрсатиш, касалликни эрта аниқлаш, мия қон томир касалликлари билан оғриганлар ҳолатининг оғирлашиш хавфини минималлаштириш, шунингдек, аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, эпилепсия билан оғриган беморларни аниқлаш ва даволашнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга хизмат қилади. Эпилепсияни нейровизуал ва нейрофизиологик тадқиқотлар орқали чуқур ўрганиш бугунги кунда патогенетик йўналтирилган даволаш усулларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, эпилепсиянинг клиник шакллари ва рецидив кечишини прогнозлашда биомаркерлардан фойдаланиш самарадорликни ошираётган муҳим илмий йўналишлардан биридир.

Мамлакатимизда айти дамба соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда тиббиёт тизимини касалликларни илк даврларида ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш бўйича жаҳон андозалари талабларига мослаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегияси жиҳатлари Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2022–2026-

¹ World Health Organization (2022). *Intersectoral global action plan on epilepsy and other neurological disorders 2022–2031*. Geneva: WHO. <https://www.who.int/publications/i/item/9789240053695>

йилларга мўлжалланган 7 та устувор йўналишлари доирасида белгиланган. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий хизматлар сифатини стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом ҳаёт тарзини қўллаб-қувватлаш»² устувор вазифалар этиб белгиланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда патологик жараён кечишининг ўзига хос клиник хусусиятларини, уларнинг келиб чиқиши ҳамда ривожланишида тиббий-ижтимоий омиллар ролини ҳисобга олиб, эпилепсия ва эпилептик статуснинг олдини олиш ва уни даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, замонавий технологиялардан фойдаланиш усулларини такомиллаштириш ҳисобига ковиддан кейинги асоратлар ва ногиронликка олиб келувчи ҳолатларни камайтириш мақсадида замонавий тиббий хизматларни янада юқори даражага олиб чиқиш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эпилептик статус (ЭС) эпилепсиянинг энг оғир ва ҳаётга таҳдид солувчи шакли ҳисобланади. У юқори касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари билан тавсифланади. Замонавий илмий манбаларда ЭСнинг патогенезида яллиғланиш, қон-мия тўсиғининг бузилиши, генлар экспрессиясидаги ўзгаришлар каби патофизиологик механизмлар муҳим роль ўйнаши таъкидланади. Ушбу ўзгаришлар сурункали эпилепсия, когнитив фаолиятнинг сусайиши ва нейродегенератив жараёнларга олиб келиши мумкин (Walker MS., 2016). Тутқаноқ фаоллиги билан мия шикастланиши ўртасидаги

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли фармони «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»

ўзаро боғлиқлик эпилепсиянинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, мия тўқимаси ҳолатининг ёмонлашуви ва хуружларнинг такрорланиши ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқлигини тадқиқ этувчи илмий ишланмалар сони чекланган (Librizzi L., Verde D.V., de Curtis M., 2025). Гипоксия билан индуцирланадиган транскрипция омили HIF-1 α марказий кислород сезгирлик тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. У гипоксик ҳолатларда гликолиз, эритропоэз, ангиогенез ва ҳужайравий пролиферацияда иштирок этувчи бир қатор генларнинг экспрессиясини бошқаради. HIF-1 α нинг мия гипоксияси, нейронлар ҳаётчанлигини сақлаш ва эпилепсиянинг ривожланишидаги роли ҳозиргача тўлиқ очикланмаган (Puchowicz M.A. ва ҳамкорлар, 2023). Шу билан бирга, кекса ёшда эпилепсия ҳолатларининг кўпайиши ва улардаги эпилептик статуснинг хавфли оқибатлари ҳам алоҳида тадқиқотларни талаб этмоқда. Айниқса, инсульт, транзитор ишемик хуружлар, бош миянинг гипоксик-ишемик шикастланиши сингари омиллар фонида ривожланаётган эпилепсия ҳолатларига кўпроқ эътибор қаратиш лозим (Котов С.А., 2020).

Ўзбекистонда ҳам мазкур соҳада қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, эпилепсияда иммунологик механизмлар, аутоиммун қайта қурилиш, ГАМК ва дофамин рецепторларига нисбатан аутоантитаначаларнинг ролини ўрганишга бағишланган ишларда (Ё.Н.Маджидова., Г.С.Рахимбаева., Р.Б.Азизова, 2016) миллий аҳамиятга молик натижалар олинган. Инсультдан кейинги эпилепсия ривожланишининг молекуляр механизмлари, дори-дармонларга жавоб шакллари ва индивидуал ёндашувларга бағишланган ишлар ҳам амалга оширилган (Г.С. Рахимбаева, Д.С. Собирова, 2025).

Шу билан бирга, HIF-1 α оксиленинги эпилепсиядаги аҳамияти, унинг патогенетик механизмлардаги роли, тўқима гипоксияси ва эпилептик статуснинг оғирлашуви билан боғлиқ жараёнларга таъсири республика ва халқаро даражада тўлиқ ўрганилмаган. Шу боис, ушбу муаммо эпилепсия ва ЭСдаги патоген жараёнларни чуқур таҳлил қилишни, HIF-1 α экспрессиясининг эпилепсия давомийлиги, оғирлиги ва даволаш самарадорлигига таъсирини аниқлашни талаб этади.

Мазкур диссертация иши ана шундай илмий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган бўлиб, эпилепсия ва эпилептик статус билан оғриган беморлардаги патогенетик механизмларни чуқур таҳлил қилиш, замонавий диагностика ва скрининг усуллари жорий этиш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Илмий асосланган ёндашувлар асосида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, эпилепсияга оид тиббий ва ижтимоий юкни камайтириш ҳамда клиник амалиётда янги ёндашувларни татбиқ этиш мақсад қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Республикада амалга оширилаётган устувор илмий тадқиқотларга (дав. рўйхатга олиш рақами 02-4974-сон «Аҳоли саломатлиги, соғлом турмуш тарзи профилактикаси, уларнинг хавф омилларини эрта аниқлаш ва Ўзбекистон

Республикаси аҳолисига тиббий-профилактик, даволаш ва замонавий инновацион ташхислаш ёрдамларини такомиллаштириш» (2022–2025 йй.) мавзуси доирасида бажарилган ушбу диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, институт Кенгашининг 2022 йил 26 майдаги №12 баённомаси билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади эпилепсия билан оғриган беморларда эпилептик статус ҳолатида клиник-биокимёвий, иммунологик кўрсаткичларнинг хусусиятларини ўрганиш, ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

этиологик омилларга қараб эпилепсия ва эпилептик статус частотаси, тузилиши ва клиник хусусиятларини баҳолаш;

эпилепсия билан оғриган беморларда биокимёвий тестларга (Human Нурохиа-inducible factor 1-alpha (HIF1A) ELISA Kit) қараб эпилепсия ва эпилептик статус ҳолатини баҳолаш;

скрининг мақсадида қўлланиладиган стандартлаштирилган шкалалар асосида, эпилептик статусли беморларда когнитив функция ва ҳаёт сифатини баҳолаш;

эпилепсия ва эпилептик статус билан оғриган беморларни терапевтик ёндашувларни оптималлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 114 нафар бемордан иборат бўлиб, шулардан 34 нафари эпилептик статус ташхиси билан Андижон Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази филиали қошидаги клиникада, неврология ва нейрореанимация бўлимида даволанган беморлардан иборат эди. Қиёсий гуруҳига эса 50 нафар эпилепсия билан оғриган ва 30 нафар эпилепсиясиз беморлар киритилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник, электроэнцефалографик, биокимёвий текширув натижалари олинган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига эришиш учун шкалаларнинг скрининг воситаларини ҳисобга олган ҳолда когнитив функция ва ҳаёт сифатини аниқлаш учун клиник ва неврологик текширув ўтказилди; (MoCA, 5 балли ҳаёт сифати шкаласи) ва нейровизуализатсион тадқиқот усуллари (ЭЭГ), қон зардобиди беморларнинг қон зардоби намуналари Нурохиа-inducible factor 1-alfa (HIF L-1A) билан оғриган беморларни биокимёвий текшириш учун, шунингдек, статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эпилептик статусли беморларда патологиянинг ривожланишига олиб келувчи асосий омиллар сифатида цереброваскуляр шикастланишлар посттравматик бош мия жароҳатлари, шунингдек, инфекцион яллигланиш жараёнлари кайд этилган бўлиб, ушбу ҳолатларда эпилепсиянинг давомийлиги 20-30 йилгача етиши патологик жараённинг сурункали ва рецидив характерда кечиши, эпилептик статус билан яқунланиш эхтимолини ошириши аниқланган;

эпилептик статусда HIF-1 α (598,04 \pm 173,86) ва фибриноген (5,63 \pm 0,44) миқдорининг ошиши гемостазнинг фаоллашувига олиб келиши ҳамда эпилептик

статусга эга беморларда мия гипоксиясини кучайтириши ва организмда гипоксик ҳолатнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаши исботланган;

эпилептик статусда МоСА шкаласи ва ҳаёт сифатини баҳолашнинг 5 балли шкалалари натижалари беморларни даволашда индивидуал ёндашувни ишлаб чиқиш ҳамда ўтказилаётган терапия самарадорлигини баҳолаш учун муҳим воситалар эканлиги аниқланган;

эпилепсияда қўлланилган даволаш режаси эпилептик хуружларни назорат қилиши, когнитив бузилишларни яхшилаши ва ҳаёт сифатини ошириши туфайли беморларни даволаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

Гипоксия ҳолатида қон ивиш тизимининг фаоллашуви кузатилиб, бу эса гиперкоагуляция ҳолатига ҳамда тромбоз хавфининг ошишига сабабли эпилептик статус билан оғриган беморларда фибриноген миқдорини аниқлаш муҳим диагностик мезон сифатида тавсия этилган.

Эпилептик статуснинг клиник баҳолаши учун мўлжалланган 5 баллик шкала амалиётда енгил, тежамкор ва ишончли инструмент бўлиб, уни қўллаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш, даволаш жараёнининг самарадорлигини мониторинг қилиш таклиф қилинган.

Зонисамид препарати гиперкоагуляция ҳолатларини самарали бартараф этииши, қондаги фибриноген даражасини меъёрлаштиришга, хуружлар интенсивлигини пасайтиришга ва когнитив функцияларни яхшилаши эпилепсияда комплекс даволаш режасига қўшимча терапевтик восита сифатида тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги, тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланилгани, назарий маълумотлар билан олинган натижалар ўртасидаги мувофиқлик, тадқиқотнинг методологик аниқлиги, етарлича миқдорда беморлар текширувдан ўтказилгани, қўлланилган умумклиник, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланиши, шунингдек тегишли ваколатли органлар томонидан натижалар ва хулосаларнинг тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, қон плазмасида гипоксияга сезгир биомаркерлар - HIF-1 α оқсили ва фибриноген миқдорининг ошиши қайд этилиши. гемостаз тизимининг церебрал гипоксияга жавоб реакциясини тавсифлайди ҳамда ушбу биокўрсаткичларни эрта ташхис ва динамик назоратда қўллаш имкониятини яратиши билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, эпилепсия ва эпилептик статус билан оғриган беморларда когнитив бузилишлар ва ҳаёт сифатини баҳолаш шкалаларидан фойдаланиши амалиётда фаол қўлланилиши мумкин бўлган самарали восита сифатида тавсия этилиши ҳамда зонисамид каби антиконвулсанти дори воситасини даволаш протоколига қўшиш хуружлар интенсивлигини камайтириш, когнитив функцияларни яхшилаш ва беморларнинг умумий ҳаёт сифатини оширишда ва ремиссия ҳолатини мустаҳкамлаш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Церебрал гипоксиясининг мавжудлигига қараб эпилептик статус ва эпилепсиянинг клиник ва иммунологик хусусиятлари буйича олинган натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: эпилептик статусли беморларда патологиянинг ривожланишига олиб келувчи асосий омиллар мия шиши ва посттравматик бош мия жароҳатлари, шу жумладан болаликдаги жароҳатлар эканлиги исботланган, бунда эпилепсиянинг давомийлиги 20-30 йилни ташкил этган. Ушбу натижалар Андижон Давлат тиббиёт институтининг 2024-йил 24-октябрдаги б1-71/п-сонли Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши қарори билан тасдиқланган «Церебрал гипоксияси мавжудлигига қараб эпилептик статус ва эпилепсиянинг клиник-иммунологик хусусиятлари» буйича услубий тавсияларга киритилган. Тақдим этилган таклифлар Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали неврология ва нейрореанимация бўлимларига 20.01.2025йилдаги 16/19-сонли ҳамда Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлимида 11.12.2024 йилдаги 35-сонли буйруқ асосида жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техника кенгашининг 2023-йил 25-январдаги 8п-з/52-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Эпилептик статусни эрта аниқлаш ва ремиссияси организм гипоксияси ва патологик хуружларни камайишига олиб келади, бу эса невропатологлар патологиясини даволашда асосий рол ўйнайди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича аниқланади:* йиллик тежаш миқдори: $IA = M \times (AX - AY) = 55000 \text{ сўм} \times (12 - 4) = 440000 \text{ сўм}$. Бу ерда М - шифокорга бир марта ташриф буюришнинг ўртача нархи; АХ ва АУ- битта касалликни даволаш учун асосий ва тавсия этилган вариантларда шифокорга мурожаатлар сони. Хулоса: таклиф этилган усул 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 440 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: эпилептик статусли беморларда НIF-1α (598,04±173,86) ва фибриноген (5,63±0,44) миқдорининг ошиши гемостазнинг фаоллашишига олиб келиши ҳамда бош мия гипоксиясининг кучайиши ва организмда гипоксик ҳолатнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этиши исботланди. Ушбу натижалар Андижон Давлат тиббиёт институтининг 2024-йил 24-октябрдаги б1-71/п-сонли Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши қарори билан тасдиқланган «Церебрал гипоксияси мавжудлигига қараб эпилептик статус ва эпилепсиянинг клиник-иммунологик хусусиятлари» буйича услубий тавсияларга киритилган. Тақдим этилган таклифлар Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали неврология ва нейрореанимация бўлимларига 20.01.2025йилдаги 16/19-сонли ҳамда Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлимида 11.12.2024йилдаги 35-сонли буйруқ асосида жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2023 йил 25 январдаги 8п-з/52-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Эпилептик статус билан оғриган беморларда НIF-1α ва фибриноген каби биомаркерларнинг рутин таҳлиллар рўйхатига киритилиши орқали гипоксик ҳолатларни эрта аниқлаш имкони яратилди, гиперкоагуляция ва

церебрал гипоксиянинг ўзаро боғлиқ механизмларини инобатга олган ҳолда индивидуал даволаш стратегияларини шакллантириш имкони кенгайди, фибриноген ва HIF-1 α экспрессиясига қараб даволаш самарадорлигини баҳолаш ва даволаш муолажаларини динамик назорат қилиш амалиётига асос яратилди, даволашни стандартлаштириш, эпидемик хавфсизликни таъминлаш ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган соғлиқни сақлаш сиёсатига амалий хисса қўшилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилар билан белгиланади:* йиллик тежаш миқдори: ЭА=ПЗР-РВ×(ВХ-ВУ) =400000 сўм×(1200000-400000) =800000 сўм. Бу ерда ПЗР-РВ реал вақт режимида полимераза занжир реакциясининг бир марталик генетик тестини ифодалайди; ВХ ва ВУ - базавий ва тавсия этилган вариантларда битта касалликни ташхислаш учун таҳлиллар нархи. Хулоса: таклиф этилган усул 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 800 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

учинчи илмий янгилик: эпилептик статусда МоСа шкаласи ва ҳаёт сифатини баҳолашнинг 5 балли шкалалари натижалари беморларни даволашда индивидуал ёндашувни ишлаб чиқиш ҳамда ўтказилаётган терапия самарадорлигини баҳолаш учун муҳим воситалар эканлиги аниқланган. Ушбу натижалар Андижон Давлат тиббиёт институтининг 2024-йил 24-октябрдаги б1-71/п-сонли Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши қарори билан тасдиқланган «Церебрал гипоксияси мавжудлигига қараб эпилептик статус ва эпилепсиянинг клиник-иммунологик хусусиятлари» бўйича услубий тавсияларга киритилган. Такдим этилган таклифлар Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали неврология ва нейрореанимация бўлимларига 20.01.2025йилдаги 16/19-сонли ҳамда Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлимида 11.12.2024йилдаги 35-сонли буйруқ асосида жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техника кенгашининг 2023-йил 25-январдаги 8п-з/52-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* 5 баллик шкала беморларни олиб боришга индивидуал ёндашувни яратиш ва олиб борилаётган даволаш самарадорлигини баҳолаш учун муҳим воситадир. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагига тенг: $I_u = I_D + I_B = D \times (t_x - t_y) + B(t_x - t_y) = 1982227 \text{ сўм} \times (30 - 14) + 80500 \text{ сўм} \times (30 - 14) = 33003632 \text{ сўм}$. Бу ерда D - 2019-йилда 1 иш кунида ишловчига 1 тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ўртача қиймати; t_x ва t_y - базавий ва тавсиявий вариантларда битта ҳодиса учун вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг ўртача давомийлиги; B - вақтинча меҳнатга лаёқатсизликнинг бир кунидаги ўртача пул миқдори. Хулоса: меҳнатга лаёқатсизлик сабабли бир йил давомида касаллик туфайли ҳар бир бемор учун ўртача моддий харажатларни тежаш қиймати 33003632 сўмни ташкил этиши аниқланди;

тўртинчи илмий янгилик: тутқаноққа қарши дори воситаларидан зонисамид эпилептик хуружларни назорат қилиши, когнитив бузилишларни яхшилаши ва ҳаёт сифатини ошириши туфайли беморларни даволаш усули такомиллаштирилган. Ушбу натижалар Андижон Давлат тиббиёт институтининг 2024-йил 24-октябрдаги б1-71/п-сонли Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши

қарори билан тасдиқланган «Церебрал гипоксияси мавжудлигига қараб эпилептик статус ва эпилепсиянинг клиник-иммунологик хусусиятлари» бўйича услубий тавсияларга киритилган. Тақдим этилган таклифлар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали неврология ва нейрореанимация бўлимларига 20.01.2025 йилдаги 16/19-сонли ҳамда Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлимида 11.12.2024 йилдаги 35-сонли буйруқ асосида жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техника кенгашининг 2023-йил 25-январдаги 8n-z/52-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* эпилептик статусда даволашни такомиллаштириш ва когнитив бузилишларни аниқлаш орқали беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланади ва ногиронлиги камаяди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* йиллик тежаш миқдори: 1 йил = $Iu - SNum = 33003632 - 7800000 = 25203632$ сўм. Бу ерда 1 йил - касалликнинг ўртача йиллик қиймати; $Iu - SNum$ -асосий ва тавсия этилган вариантларда 1 йил давомида битта касалликни ташхислаш ва даволаш харажатлари. Хулоса: 1 нафар беморни текшириш ва даволашда 1-йилда 25203632 сўм иқтисод қилинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг асосланганлиги ва яхлитлигини таъминлайдиган асосий жиҳатлар, эпилепсиянинг юқори тарқалиши ва церебрал гипоксия билан боғлиқ эпилептик мақомнинг долзарблиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ушбу патологияларнинг ижтимоий ва тиббий аҳамиятининг ошиши очиб берилган. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган неврология ва психиатрия соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос келади. Шунингдек, хавф омилларини аниқлаш, коморбидлик механизмларини ўрганиш ва янги даволаш усулларини ишлаб чиқиш. Илмий базага қўшилган ҳисса сифатида янги биомаркерларни аниқлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш каби натижаларнинг ноёблиги таъкидланади, элементлар ишнинг асосий қисмини ташкил этиб, унинг фан ва жамият учун муҳимлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг “**Эпилепсия шакли ва эпилептик статусга қараб ривожланишнинг этиологик омилларининг хусусиятлари, клиник**

жиҳатлари, замонавий босқичда ташхислаш ва даволаш” деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи бўлимида эпилепсия ва эпилептик статуснинг ривожланишига этиологик омилларнинг таъсири бўйича замонавий маълумотлар кўриб чиқилган, шунингдек, клиник ва диагностик мезонлар муҳокама қилинган. Иммуногенетик тадқиқотлар диагностикаси ва даволаш самарадорлигини ошириш учун янги дори воситалари ва технологияларни қўллаш соҳасидаги сўнгги ютуқлар таҳлил қилинмоқда.

Диссертациянинг **“Эпилепсия билан оғриган беморларнинг умумий тавсифи ва уларни текшириш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва усулларининг тавсифи келтирилган. 2021-2024-йилларда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали неврология ва нейрореанимация бўлимида эпилептик статус ва эпилепсия билан даволанган жами 114 нафар бемордан асосий гуруҳни эпилептик статусли 34 (29,8%) нафар бемор, қиёсий гуруҳни эпилепсия ташхиси қўйилган 50 (43,9%) нафар бемор, назорат гуруҳини эса эпилепсиясиз 30 (26,3%) нафар бемор ташкил этди. Тадқиқот ўтказиш вақтида беморлар 20 ёшдан 81 ёшгача бўлган.



1-расм. Тадқиқот учун беморларни танлаш схемаси

Ушбу беморларнинг анамнези шуни кўрсатдики, ёш тоифаси ва жинси бўйича асосий гуруҳда аёллар - 18 (52,9%), эркеклар эса 16 (47,1%), таққослаш гуруҳида эркеклар - 30 (60%) ва аёллар - 20 (40%) ни ташкил этди. Ёш гуруҳлари бўйича ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, эпилепсия ва эпилептик статус ҳолатлари энг кўп 20–39 ёшли беморлар ўртасида қайд этилган. Бу ёш тоифасида эпилепсия билан касалланган 20 нафар бемор (8 эркек, 12 аёл) ва эпилептик статусга дучор бўлган 12 нафар бемор (7 эркек, 5 аёл) мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатлар касалликнинг ёшга оид юқори актив даврени кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

Текширилган гуруҳларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши.

| Гуруҳлар | Эркеклар | | Аёллар | | Жами | |
|----------|----------|---|--------|---|------|---|
| | n | % | n | % | n | % |

| | | | | | | |
|------------------|----|------|----|------|-----|------|
| Эпилептик статус | 16 | 47,1 | 18 | 52,9 | 34 | 29,8 |
| Эпилепсия | 20 | 40 | 30 | 60 | 50 | 43,9 |
| Назорат гуруҳи | 14 | 46,7 | 16 | 53,3 | 30 | 26,3 |
| Жами | 50 | 43,9 | 64 | 56,1 | 114 | 100 |

Беморлар клиник-неврологик текширувдан ўтказилди, скрининг воситалари - МОСа шкаласи, беш балли шкала, электронейрофизиологик (ЭЭГ) текширувлар ўтказилди, шунингдек, ННФ-1 α гипоксия келтириб чиқарган омилни аниқлаш учун иммуногенетик таҳлил учун қон зардоби олинди. Барча синовлардан сўнг, натижалар статистик таҳлил қилинди.

Натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Office excel-2010 пакетида ишлаб чиқилган дастур ёрдамида амалга оширилди. Статистик усуллар танланганининг ўртача қийматини (М), ўртача қийматнинг стандарт хатосини (м), корреляция коэффициентини (р) аниқлашни ўз ичига олди. Статистик тўпламлардаги фарқларнинг ишончилиги Стюдент (т) мезони бўйича турли хил дисперсиялар учун параметрик усуллар билан баҳоланди.

Диссертациянинг **“Илмий тадқиқотлар натижалари ва уларнинг муҳокамаси”** деб номланган учинчи бобида эпилепсия ва эпилептик статус билан оғриган беморларда клиник-неврологик хусусиятлар, патогенетик омиллар ҳамда гипоксия билан боғлиқ ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинди.

Церебрал гипоксиянинг эпилепсия ва унинг оғир шакли - эпилептик статус патогенезидаги роли илк бор клиник ва лаборатор кўрсаткичлар асосида баҳоланди. Бизнинг тадқиқотларимизда эпилептик статус ривожланишининг асосий омиллари турли хил бош мия патологиялари учради, улар орасида - беморларда бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши - 11 (32,4%), посттравматик бош мия жароҳатлари - 14 бемор (41,2%), бош миyaning инфекциян яллиғланиш асоратлари - 5 бемор (14,7%).

Эпилептик статуснинг ILAE (2015) таснифига асосан ўтказилган таҳлилда 34 нафар бемор ўрганилган бўлиб, улардаги эпилептик статус шакллари клиник кўринишларига қараб турларга ажратилган. Ушбу ҳолатларда энг кўп учраган форма фокал мотор эпилептик статус бўлиб, у 14 беморда (41,2%) кузатилган. Бу шаклда жексонча турдаги хуружлар ёки локал миоклонуслар билан намоён бўлган. Фокал мотор ЭС эркаклар ва аёллар ўртасида тенг тақсимланган — ҳар бири 7 тадан. Генераллашган тоник-клоник эпилептик статус 10 нафар беморда (29,4%) аниқланган бўлиб, у ҳам эркаклар, ҳам аёллар орасида бир хил (5 тадан) учраган. Миоклоник эпилептик статус 6 нафар беморда (17,6%) қайд этилган. Миоклоник ЭС ҳолатлари аёлларда нисбатан кўпроқ (4 нафар) учраган бўлиб, эркаклар сони 2 тани ташкил этган. Бу эса баъзи ҳолатларда жинсга боғлиқ тарздаги фарқларни кўрсатиши мумкин. Энг кам қайд этилган шакл — гиперкинетик эпилептик статус бўлиб, у 4 нафар беморда (11,8%) аниқланган. Гиперкинетик ЭС эркаклар ва аёллар орасида тенг тақсимланган — ҳар бири 2 тадан (2-жадвал).

2-жадвал.

Эпилептик статус шакллариининг ILAE (2015) таснифи бўйича тақсимоти (n=34)

| ЭС шакли | Жами ҳолатлар | Эркаклар | Аёллар |
|------------------|---------------|----------|--------|
| Фокал ЭС | 14 (41,2%) | 7 | 7 |
| Генераллашган ЭС | 10 (29,4%) | 5 | 5 |
| Миоклоник ЭС | 6 (17,6%) | 2 | 4 |
| Гиперкинетик ЭС | 4 (11,8%) | 2 | 2 |
| Жами | 34 (100%) | 16 | 18 |

Фокал ЭС асосан катта ёшли беморларда кузатилган ва кўп ҳолатда гипоксия, инсульт ёки бош-мия травмалари (БМТ) билан боғлиқ бўлган. Генераллашган ЭС тез кечадиган, кўпинча онг йўқолиши ва респиратор етишмовчилик билан кечган жиддий ҳолатларни ташкил этган. Номаълум бошланишли ЭС ҳолатлари, асосан, кечиктирилган ташхис қўйилган ва патогенез ноаниқ бўлган ҳолатларда кузатилган. Тадқиқотда шундай хулоса чиқарилдики, ЭС ҳолатларида фокал бошланишли шакллар устун бўлиб, ёш ва жинсга қараб клиник намоён бўлиши сезиларли фарқлидир. Таҳлил қилинган 50 нафар эпилепсияли беморнинг 100%да ILAE (2015) таснифи асосида шакллари аниқланди. Тақсимот қуйидагича бўлди (3-жадвал).

3-жадвал.

Эпилепсия шакллариининг ILAE (2017) таснифи бўйича тақсимоти

| Эпилепсия шакли | Жами беморлар сони (n=50) | Эркаклар (n=20) | Аёллар (n=30) |
|--------------------------------|---------------------------|-----------------|---------------|
| Фокал (жойлашган) эпилепсиялар | 27 (54%) | 13 | 14 |
| Генераллашган эпилепсиялар | 11 (22%) | 5 | 6 |
| Криптоген/идиопатик | 7 (14%) | 1 | 6 |
| Номаълум бошланишли | 3 (6%) | 1 | 2 |
| Комбинацияланган эпилепсиялар | 2 (4%) | 0 | 2 |
| Жами | 50 (100%) | 20 | 30 |

Фокал эпилепсиялар 27 беморда (54%) аниқланди ва бу шакл умумий ҳолатлар ичида устуворлик қилди. Ушбу шакл айниқса 40 ёшдан юқори беморларда кўп учради (16 та ҳолат), жумладан, 9 та аёл ва 7 та эркак. Бу натижа фокал эпилепсиянинг инсульт, БМТ ва бошқа локал мия шикастланишлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Генераллашган эпилепсиялар 11 беморда (22%) кузатилди. Улар асосан 20–39 ёш гуруҳида жойлашган (7 ҳолат). Бу шаклларда ЭЭГда генераллашган биоэлектрик фаоллик, миоклонус ва тоник-клоник хуружлар қайд этилди. Криптоген шакллар 7 нафар беморда (14%) аниқланган бўлиб, асосан катта ёшли аёллар (6 ҳолат) гуруҳида учради. Ушбу шаклларда клиник ва ЭЭГ маълумотлар эпилепсияни тасдиқлаган, аммо этиология аниқланмаган. Бу ҳолатларда асосан MRI маълумотлари нормал бўлган, ёки микроангиопатия белгилари билан чекланган. Номаълум бошланишли шакллар 3 беморда (6%) қайд этилди. Бу ҳолатларда хуружнинг бошланиш тартиби ноаниқ бўлиб, ЭЭГ ва анамнез маълумотлари етарли эмас эди. Фокал ва

генераллашган эпилепсиянинг комбинацияси 2 аёл беморда қайд этилди (4%), бу эса эпилептик фаолиятнинг динамик ва кўп нуктали хусусиятини кўрсатади.

Диссертациянинг IV боби “**Функционал ва лаборатория тадқиқот усуллари кўрсаткичларининг натижалари**” ўрганилаётган гуруҳларнинг барча беморларида хуружлараро даврда ЭЭГ ўтказилди. ЭС гуруҳидаги беморлар ЭЭГ таҳлилларида юқори даражадаги эпилептиформ фаолликка эга бўлиб, 29 нафар беморда (85,3%) фокал ёки мультифокал эпилептиформ разрядлар қайд этилди. Уларнинг 17 нафариди (50%) ўрта чизиқ ва диффуз генерализацияланган тўлқинлар кузатилди, бу эса миянинг икки ярим шариди ҳам патологик фаоллик мавжудлигини билдиради. Бу беморларда хуружлар ойига ўртача $13,5 \pm 4,2$ марта кузатилган. Эпилепсия гуруҳида эса 38 нафар беморда (76%) ЭЭГда эпилептиформ фаоллик кузатилган. Улардан 24 нафариди фокал локализацияланган тўлқинлар, 14 нафарда эса генераллашган комплекслар кузатилган. Бу беморларда хуружлар частотаси нисбатан паст - ўртача $4,0 \pm 1,9$ марта ойига бўлган. ЭЭГда қайд этилган эпилептиформ фаоллик даражаси билан хуружлар частотаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида корреляцион таҳлил ўтказилди. Пирсон корреляция коэффиценти куйидаги натижаларни кўрсатди (4-жадвал).

4-жадвал

ЭЭГ кўрсаткичлари ва хуружлар частотаси ўртасидаги корреляция таҳлили

| Таҳлил қилинган кўрсаткич | r (коэфф.) | p (ишонч даражаси) |
|---|------------|--------------------|
| ЭЭГда фокал эпилептиформ активлик ва хуруж частотаси | +0,68 | p < 0,001 |
| ЭЭГда генераллашган фаоллик ва хуруж частотаси | +0,74 | p < 0,001 |
| Мультифокал активлик ва ЭСда хуружлар сони | +0,81 | p < 0,001 |
| Эпилептиформ фаоллик даражаси ва когнитив балл (MoCA) | -0,64 | p < 0,01 |

Юқоридаги натижалардан кўринадик, ЭЭГда генераллашган ва мультифокал эпилептиформ фаоллик кузатилган беморларда хуружлар частотаси анча юқори бўлган. Айниқса ЭС гуруҳида мультифокал ЭЭГ ўзгаришлари билан хуружлар сони ўртасидаги боғлиқлик жуда кучли ($r = +0,81$) эканлиги аниқланди. Бу, ўз навбатида, ЭС ҳолатларининг патофизиологик жиҳатдан кенг миқёсли мия дисфункцияси билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шунингдек, эпилептиформ фаоллик даражаси билан когнитив функция (MoCA балли) ўртасида тескари боғлиқлик аниқланди ($r = -0,64$), яъни EEGдаги патологик ўзгаришлар қанчалик кучли бўлса, беморнинг когнитив кўрсаткичи шунчалик паст бўлган.

Организмнинг мослашиш механизмлари ва гипоксия ҳолатига HIF-1 α (гипоксия индутсирланган омил-1 альфа) специфик регулятор оксигенининг роли тўғрисидаги замонавий тасаввурлар. Бизнинг тадқиқотимизда барча гуруҳларда

гипоксия билан боғлиқ альфа-1 омили даражасининг ошиши кузатилди (5-жадвал).

5-жадвал

Баъзи биокимёвий кўрсаткичлар

| | НIF-1a | Фибриноген |
|------------------|---------------|------------|
| Эпилептик статус | 598,04±173,86 | 5,63±0,44* |
| Эпилепсия | 248,10±54,43* | 6,53±0,32* |
| Назорат гуруҳи | 140,73±33,92* | 6,69±0,26 |

Изох: *-p<0,05

Тадқиқотда НIF-1α (Hypoxia Inducible Factor 1 Alpha) эпилептик статусли беморлар қонида (598,04±173,86), шунингдек эпилепсияда (248,10±54,43) референс кўрсаткичлар эпилепсиясиз беморларга (140,73±33,92) нисбатан юқори бўлди. Асосий гуруҳда 588 пг/мл (диапазон - 146,3-1835,5 пг/мл), эпилепсия билан таққослаш гуруҳи - 250,91 пг/мл (диапазон - 124,35-590,89 пг/мл) ва эпилепсиясиз назорат гуруҳи - 140,41 пг/мл (диапазон - 35,244-270,75 пг/мл) ни ташкил этди. Кўриниб турибдики, НIF-1 альфа даражасининг энг юқори қиймати эпилептик статусли беморларда қайд этилди, ундан кейин эпилепсия билан оғриган беморлар ва НIF-1 альфа нинг энг паст даражаси назорат гуруҳидаги беморларда аниқланди. НIF-1α мия гипоксияси ҳолати билан боғлиқ касалликларни тушуниш ва даволашда муҳим роль ўйнайди.

II- Қон ивиш омили - (фибриноген), унинг даражаси барча тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг қонида ошган. Фаол Тромбопластин III омил ёки тромбокиназа протромбинни тромбинга айлантиришга ёрдам берадиган ўзига хос оксилдир. III омил (Тромбопластин) эпилептик статусда 17 нафар (50%) беморда аниқланган бўлса, эпилепсияда 6 нафар (12%) ва эпилепсиясиз назорат гуруҳида 4 нафар (13,3%) беморда кузатилди.

6-жадвал

Қон ивиш омиллари (I - Фибриноген, IV - Ca²⁺ иони) кўрсаткичлари бўйича гуруҳлар таққослаш кўрсаткичлари


| Гуруҳлар | Фибриноген г/л | Кальций иони (Ca ²⁺) ммоль/л |
|-------------------------|----------------|--|
| Эпилептик статус (n=34) | 5,2 ± 0,4 | 1,75 ± 0,08 |
| Эпилепсия (n=50) | 4,3 ± 0,3 | 1,85 ± 0,06 |
| Назорат гуруҳи (n=30) | 3,2 ± 0,2 | 2,1 ± 0,04 |

IV омил - бу қон ивиш Ca иони эпилептик статусда 9 (26,4%) нафар беморда, эпилепсияда эса 7 (14%) нафар беморда ва эпилепсиясиз назорат гуруҳида 13 (43,3%) нафар беморда кузатилди (6-жадвал).

Эпилептик статусли беморларда фибриноген даражасининг юқорилиги қон ивиш фаоллигининг кучайганлигини кўрсатади ва гипоксик-ишемик ўзгаришлар фондаги яллиғланиш реакцияларини акс эттиради. Ca²⁺ ионлари микдорининг пасайиши ЭС гуруҳида нейронлараро узатилишдаги узилишларнинг эҳтимолий ролини кўрсатади. Эпилепсияли беморларда ҳам ушбу кўрсаткичларда ўзгариш мавжуд, аммо ЭС гуруҳига нисбатан камроқ

даражада. Назорат гуруҳида фибриноген ва кальций иони миқдорлари меъёрий доирада сақланган.

Эпилептик статусда МоСа шкаласи бўйича тест кўрсаткичлари 11 (32,4%) беморда 22,1-27 балл оралиғида тўплади, бу ўртача когнитив бузилишни кўрсатади, 22,1-16,2 балл оралиғида 23 (67,6%) беморда энгил даражадаги деменция кузатилди, 16,2 баллдан кам кузатилмади. Таққослаш гуруҳида 17 нафар (34%) беморда 26-30 балл тўпланган ва бу МоСа шкаласи бўйича меъёр ҳисобланади, 22 нафар (44%) беморда 22,1-27 балл оралиғида тўпланган, бу ўртача когнитив бузилишни кўрсатади, 11 нафар (22%) беморда 22,1-16,2 балл оралиғида энгил даражадаги деменция кузатилган, 16,2 баллдан кам бўлмаган. Назорат гуруҳида 10 (33,3%) беморда 26-30 балл, 16 (53,3%) беморда 22,1-27 балл оралиғида балл тўпланди, бу ўртача когнитив бузилишни кўрсатади, 22,1-16,2 балл оралиғида 4 (13,3%) беморда энгил даражадаги деменция кузатилди, 16,2 баллдан кам кузатилмади (расм 2.).




2-расм. Беморларда МоСА шкаласи бўйича тест натижалари

5-шкала ҳаёт сифатининг интеграл кўрсаткичи бўлиб, беморнинг жисмоний, руҳий ҳолати ва ижтимоий мослашуви ҳамда ҳаёт сифатини ҳисобга олади. Ҳаёт сифати (ҲС) эпилепсия билан оғриган бемор учун асосий роль ўйнайдиган кўрсаткич бўлиб, ўтказилган терапиянинг самарадорлигини акс эттиради ва беморни кейинги кузатиш учун зарурдир.

Ҳаёт сифатини аниқлаш учун бизнинг ишимизда беморлар учун 5 баллик шкаладан фойдаланилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда 4 балл (яхши) 12 (35,3%) беморда, 3 балл (қониқарли) 13 (38,2%) беморда, 2 балл (қониқарсиз) 9 (26,5%) беморда кузатилган.


Қиёсий гуруҳда 4 балл (яхши) 17 (34%) беморда, 3 балл (қониқарли) 20 (40%) беморда, 2 балл (қониқарсиз) 13 (26%) беморда, 5 балл (аъло) асосий ва қиёсий гуруҳда кузатилмади. Назорат гуруҳидаги беморларда 10 (33,3%) беморда 5 балл (аъло), 14 (46,6%) беморда 4 балл (яхши), 6 (16,6%) беморда 2 балл (қониқарли), 1 (3,3%) беморда 2 балл (қониқарсиз) кузатилди, бу 2-расмда кўрсатилган.



3-расм. Беморларда беш балли шкала бўйича тест кўрсаткичлари

